



## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Б.Х.Байджанов**

*Фарғона давлат университети  
мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани,  
п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент в.б.*

**Annotatsiya:** *Мазку мақола таълим жараёнида зарарли ахборотлардан химояланишнинг педагогик-психологик хусусиятлари, ижтимоий фойдали ахборотлар, жамият ва инсонлар бахт саодатини ривожлантириш, бойитиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, тинчликни таъминлаш каби буюк ишларни амалга оширишдан иборатдир.*

**Kalit so'zlar:** *Ахборотлар, миллий қадриятлар, хавфсизлик, ахборотлар таҳдиди, зарарли, техноген, сиёсий, ижтимоий омиллар, ҳимоя қилиш, ресурслар,*

Таълим жараёнида зарарли ахборотлар таҳдидини бартараф этишни ташкил этиш ва таъминлаш тизими қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг биринчиси, илмий билим соҳасида бу тушунчанинг нисбатан янгилигидир, чунки, ҳали ҳануз унинг бир қийматли категориал тушунча, аниқ мазмундаги кетма-кетлиги ва тизими яратилмаган ёки бошқача айтганимизда ахборот таҳдиди ва ахборот хавфсизлиги муаммоси замонавий фанда ўзининг тўлиқ аксини топган эмас. Ўзининг атрофлича йўналиши ва бўлимларига эга бўлган анъанавий табиий-илмий ёндашувга нисбатан, ахборотлар таҳдиди ва ахборот хавфсизлиги муаммоси эндигина ягона бир бутун фан сифатида назариянинг узлуксиз ривожланишига ёндашуви шаклланмоқда. Унинг шаклланиш назарияси асосида, ягона мақсадни бирлаштирувчи, жамият ривожининг фани ва амалиёти ётиши лозим. Чунки, ахборотлар таҳдиди ва ахборот хавфсизлигининг турли аспектлари (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахборот ва бошқалар) кўпчилик гуманитар ва техника фанлари томонидан ишлаб чиқилмоқда, шу сабабли улар ахборотлар таҳдиди ва ахборот хавфсизлигининг умумий тизимини шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшиши керак. Ҳар қандай фанни ўзлаштириш асосини шу предмет соҳаси учун мослаштирилган педагогик илмий билимлар ётади. Ёш авлодни миллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш, зарарли ахборотлар таҳдидини бартараф этишга бўлган умумий ёндашув, хавфсизлик назарияси ҳамда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир.

Шу ўринда дастлаб ахборот тушунчасини таҳлил қилмоғимиз лозим деб ҳисоблаймиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ахборотга шундай таъриф берилган: Ахборот – (лотинча «information» - тушунтирмақ, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар



томонидан оғзаки, кейинроқ эса ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумотдир. [131;19]

Бугунги кунда тилимизда ахборот тушунчаси билан бирга информация сўзини ҳам тез-тез ишлатмоқдамиз. “Ахборот технологиялари операцион тизимлари терминларининг инглизча-русча-ўзбекча изоҳли луғати”да информация сўзи шундай ифодаланади. «Информация» ахборот - атамаси лотинча сўз бўлиб, хабардорлик, бирор ходиса ёки бирор киши фаолияти ҳақида хабарга эга бўлиш маъносини билдиради. [20;239]

Демак, ахборот ҳақидаги таърифларни қуйидагича умумлаштиришимиз мумкин: *бу кенг доирадаги тушунча бўлиб, борлиқдаги жамики объектлар, мавжудодлар, жараёнлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Шу билан бирга ахборот одамлар ўртасида узатиладиган маълумот, хабар, янгиликларлар ҳамдир.*

Бугуни кунга келиб, ахборот ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш ҳамда иқтисодий тараққиёт сифатини юксалтириш, умуман ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари учун катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу ахборотнинг ижобий томони албатта, бироқ ахборотнинг салбий жиҳати яъни зарарли томони ҳам борки, у нафақат инсон ҳаёти ва келажагига таҳдид солувчи ҳисобланади, балки жамият ҳаётини ҳам издан чиқаради. Масаланинг ана шу икки томонини ҳисобга олиб, ахборотларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий фойдали ахборотлар.
2. Зарарли ахборотлар.

Ижтимоий фойдали ахборотлар жамият ва инсонлар бахт саодатини ривожлантириш, бойитиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, тинчликни таъминлаш каби буюк ишларни амалга оширса, зарарли ахборотлар эса - бўзғунчилик, вайронкорлик, жамият ва инсонлар ҳаётини издан чиқариш, тинчликка путур етказишга қаратилган ахборотлардир.

Афсуски, биз тадқиқ этаётган зарарли ахборотлар кўлами ҳозирги замонга келиб кенгайиб бормоқда. У нафақат катта ёшдаги балки ёш болаларни ҳам ўз таъсирига олмоқда. Дунё аҳли ва барча олимларни ташвишга солаётган масала ҳам ёшларни, хусусан болаларни зарарли ахборотлар таҳдиди ва хавфидан ҳимоялашдир. Шу ўринда хавфсизлик атамаси ва унинг функциясига тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Хавфсизликнинг умумий назарияси тадқиқотининг объекти ва предмети сифатида индивиднинг ўз хавфсизлиги ҳамда яшаш шароити хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолияти ётади ва у умумий, табиий, техника фанлари томонидан яратилади.

Умумий, табиий ва техника фанларида хавфсизлик ҳамда унинг шакллари ўз табиатига кўра мустақил йўналишга эга. Сиёсий, иқтисодий, экологик, ахборот, ҳарбий ва бошқаларнинг хавфсизлик аспекти кўпинча умумий



фанлар томонидан ишлаб чиқилади. Умумий назарияни шаклланишида уларнинг ҳар бири ўз улушини қўшади. Умумий назарияни яратиш учун объектив шарт-шароитлар қуйидагилар:

- Индивид, ташкилот, ижтимоий гуруҳ, жамият, давлат ва дунё ҳамжамияти томонидан хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзини сақланиши ва ривожланиши учун талабнинг қўйилиши;

- Индивид ва умуман инсониятнинг муҳим яшаш объектларини таҳдидлардан сақлаш учун хавфсизлик тизимини яратилиши;

- Оммавий салбий таъсирларга қарши тура олувчи хавфсизликнинг модернизациялаштирилган тизимини яратиш билан боғлиқ.

Хавфсизликнинг субъекти сифатида инсон қаралиши, уни объекти сифатида табиат, техника воситалар, кўчмас мулк, фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари, жамият, давлат қаралиши мумкин. Битта шахснинг ўзи хавфнинг ҳам субъекти ҳам объекти бўлиши мумкин.

Рус олими В.И. Дальнинг фикрича: “Хавфсизлик” атамаси – мураккаб тушунча бўлиб, унинг маъноси интуитив даражада худди тушунарлидек туюлади. “Хавфсизлик” тушунчаси инсонларнинг одатий тасаввурига кўра субъектив маънога эга, яъни хавфсизлик – субъектнинг унга зарар етказувчи салбий факторлардан ҳимояланган ҳолатидир. Бошқача айтганимизда, “хавфсизлик”, “хавфнинг йўқлиги” деб таърифланиши мумкин [34;67].

С.И.Ожегов ҳам хавф ва таҳдид тушунчаларига қуйидаги изоҳ беради: Ўз навбатида “хавфсизлик”нинг антоними “хавф, таҳдид қилиш, зарар етказиш”дир [85;38], “таҳдид” тушунчаси – мумкин бўлган хавф, қўрқитиш, кимгадир ёмонлик қилиш, зарар етказишдир [85;39].

Шундай қилиб, “хавфсизлик” тушунчасини кимгадир, нимагадир хавф-хатарнинг йўқлиги деб талқин қилиш мумкин.

Шу ўринда “зарарли ахборотлар таҳдиди” жумлалари қандай маъноларни англатишини кўриб чиқамиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “зарарли” атамаси “киши маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатадиган, зиёнли”- деб таърифланса, “ахборот” атамаси “хабар, маълумот”, “таҳдид” атамаси эса “дўқ қилиш, қўрқитиш, бирор фалокатнинг, қўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи, хатар, хавф”- деб изоҳланади. [131;19,41,605]. Демак, зарарли ахборотлар таҳдиди - хабар ва маълумот орқали инсон маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатиш ва хавф-хатар солишдир.

Хавфларни юзага келиши ҳақида қуйидагича фикр ҳам билдирилган: Хавфларнинг юзага келиши муайян шароитларга кўра турли-туман бўлиши мумкин. Шу муносабат билан баъзи муаллифлар уни амалга ошириш мантиқан мураккаб масала эканлигига қарамай, таҳдид тушунчасидан маълум хавфни муайянлаштириш ва унинг юзага келиш эҳтимолини акс эттирувчи тушунча сифатида фойдаланадилар [122;15].



Юқоридаги таърифларга кўра ахборот таҳдиди тушунчасига қуйидагича таъриф келтириш мумкин: бу – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шароит ва омиллар йиғиндиси.

Адабиётларда ахборот таҳдидининг турли таснифлари фарқланади: [26;66], [27;57].

Улар қуйидагилардан иборат:

Таҳдид объектлари бўйича:

- фуқароларнинг ахборот соҳасида амалга оширилувчи конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдидлар;

- жамият маънавий ҳаётига таҳдидлар;

- ахборот инфратузилмасига таҳдидлар;

- ахборот ресурсларига таҳдид.

Таҳдид манбаи бўйича:

- ташқи – табиий офатлар, техноген, сиёсий, ижтимоий омиллар, ахборот ва коммуникацион технологиялари, бошқа ташқи таъсирлар билан боғлиқ;

- ички – ҳисоблаш ва коммуникация техникасининг ишдан чиқиши, дастурий таъминотдаги хатолар билан боғлиқ.

Таҳдид юзага келишига кўра:

- табиий (объектив) – инсон ихтиёридан ташқари объектив табиий жараёнлар ёки табиий ҳодисаларнинг ахборот муҳитига таъсири натижасида;

- сунъий (субъектив) – инсоннинг ахборот муҳитига таъсири натижасида келиб чиқади.

Сунъий таҳдидлар қуйидагилар билан фарқланади:

- ихтиёрсиз (тасодифий) таҳдидлар – дастурий таъминот, ходимларнинг хатолари, ҳисоблаш ва коммуникация техникасининг ишдан чиқиши ва ҳоказо;

- ихтиёрий (қасддан) таҳдид – ахборотлар базасига ёки маконига рухсатсиз кириш, унинг учун таҳдид қилувчи махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиши, вирусли дастурларни ишлаб чиқиши, тарқатиши ва ҳоказоларни амалга ошириши мумкин. Ихтиёрий таҳдид кишиларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, у ахборотнинг конфиденциаллиги, яхлитлиги ва қулайлигини рухсатсиз бузиш, шунингдек, ресурслардан ўз мақсадларида фойдаланишга қаратилган бўлади.

Таъсир кўрсатиш принципига кўра: имкониятдан ва яширин йўللардан фойдаланган ҳолда конфеденциалликни, яхлитликни ҳамда қулайликни бузиш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Таъсир характериغا кўра: фаол ва суст бўлади.

Таъсир этишига кўра: ахборот муҳитига умумий таъсир этувчи ва унинг алоҳида элементларига таъсир этувчи таҳдидларга бўлинади.

Бундан ташқари, адабиётларда хавф даражасига кўра асосий таҳдидларни таснифлаш муҳим аҳамият касб этади: рухсатсиз кириш; ёнғинлар; меъёрдаги ишни қасддан бузиш (вируслар билан зарарлаш, нотўғри маълумотларни



қасддан киритиш, ускуналарни қасддан бузиш ва уларни ўғирлаш); хатоларга эга дастурий таъминотдан фойдаланиш [26;70].

Бугунги кунда хавфсизликнинг турли таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг муаллифлари турли мезонларга асосланади. Баъзан “хавфсизлик – ҳолат, ривожланишнинг анъаналари ва ҳаёт фаолиятининг шартлари...” [26;13] деб тасаввур қилишади. Бундан ташқари, агар хавфсизлик инновациялар прогрессини чегаралайдиган бўлса, у ҳолда у турғунлик факторига, консерватизмга, регрессга олиб келиши мумкин. Хавфсизлик тизими нафақат сон ёки сифат жиҳатдан ўзгаришларга тўсқинлик қилиши, балки жамият ва шахс учун зарар келтирмаган ҳолда эски шаклларни ошиб ўтишга ёрдам қилиши лозим. Кўпчилик ҳолларда “хавфсизлик” тушунчасини “ҳимоя”, “ҳимояланган”, “ҳимоя қилиш” атамалари орқали очиб бериш унинг маъносини торайтиради деб ҳисоблашади. Ҳимоя қилиш – ниманидир ёпиш, нимагадир тўсиқ қўйиш деб талқин қилиниши; у буюм, предмет, ҳодиса, қўриқлаш, кимгадир, нимагадир тўсиқ бўлувчи ва ниҳоят оддий қилиб айтганимизда тўғри ва кўчма маънода қалқон деб аталиши мумкин. Замонавий энциклопедик луғатларда бу сўз шу тариқа ёки шу тарзда талқин қилинади. Лекин, биз хавфсизликнинг муҳим хоссаси ва функциясини бўлган – хавф ва таҳдидни пасайтириш, бартараф этиш, огоҳлантиришни адабиётларда атрофлича очиб берилган талқинини учратмадик. Хусусан, “ҳимоя қилиш” сўзининг маъноси хавфсизликнинг муҳим функциясини акс эттиради, лекин у тугалланган маънони билдирмайди.

Кўпчилик адабиётларда “хавфсизлик”ка “зарар етказиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг йўқлиги” деб таъриф берилган. Асос сифатида олиниши мумкин бўлган бу таърифлар, хавфсизликни таъминлашнинг иккита тамойилини ўзида акс эттиради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: Теория и технология психологической защиты. Дис. док.пси. наук. - М.: 2000, - 360 с..
2. Даль В.И. Тольковый словарь великорусского языка. -М.: 2002. - С.344.
3. Ожегов С.И. Словарь русского языка. -М.: -1990. С.69.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2006, 1-3-4-том.
5. Байджанов, Б. Х. (2020). Таълим жараёнида илғор хорижий тажрибаларни самарали қўллаш механизмлари. *Science and Education*, 1(2), 514-519.



6. Baydjanov, B. K. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF INFORMATION COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Theoretical & Applied Science*, (7), 171-178.
7. Baydjanov, B. K. (2022). Methodology of Pedagogical Science and its Axiological Possibilities. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(10), 352-363.
8. Baydjanov, B. (2021, June). HIGHER EDUCATION PROSPECTS AND ISSUES OF DEVELOPING INFORMATION SECURITY CULTURE AMONG STUDENTS (ON THE EXAMPLE OF FERGANA REGION). In *Конференции*.
9. Baydjanov, B. (2021, March). COMPATIBILITY OF NEW RENAISSANCE PEDAGOGY AND JADID ENLIGHTENERS' VIEWS ON EDUCATION AND INFORMATION SECURITY. In *Конференции*.
10. Khaitboevich, B. B. (2020). Some features of protection of students from the threat of harmful information in the educational process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(10), 69-72.
11. Dilshodovich, I. S. (2022). TALABALARDA FAMILISTIK KOMPETENSIYANING SHAKLLANTIRISHNING XUQUQIY ASOSI SIFATIDA. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 1210-1215.
12. Dilshodovich, I. S. (2023). TALABALARNING FAMILISTIK KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK TIZIMINI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(18), 874-879.
13. Dilshodovich, I. S. (2022). TALABALARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHDA MILLIY URF-ODAT VA AN'ANALARDAN FOYDALANISH. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 476-479.
14. Dilshodovich, I. S. (2022). OF PREPARING STUDENTS FOR FAMILY LIFE CONTENT AND LEPROSY. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(2), 117-123.
15. Dilshodovich, I. S. (2023). DIDACTIC POSSIBILITIES OF FORMATION OF FAMILIAR COMPETENCE IN ADOLESCENT BOYS. *European journal of education and applied psychology*, (1), 3-6.
16. Dilshodovich, I. S. (2022). UMUM O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA O'G'IL BOLALARNI OILAGA TAYYORLASHNING PSIXOLOGIK ILMIY ASOSLARI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(14), 775-779.